
ИБРАТ ОЛСА, АРЗИЙДИ

Маҳаллаларда ижтимоий муҳитни яхшилаш, оилаларда тичлик ва барқарорликни таъминлашда, албатта нурунийларнинг ўрни беқиёс.

Республика нурунийлар кенгаши раиси, сенатор Содиқжон Турдиев нурунийлар вилоят кенгаши раиси Зокиржон Раҳмонов туманимизга ташриф буюрдилар. Ташриф давомида Тошҳовуз маҳалла фуқаролар йиғинида нурунийлар кенгаши вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди. Учрашувда Содиқжон Турдиев бугунги кунда нурунийларимизнинг маҳалладаги ўрни, уларнинг ёш авлодга қолдирадиган бой мероси ҳамда уларга яратилаётган шарт-шароитлар ҳақида суҳбатлашди.

Тошҳовуз МФЙ нурунийлар жамоатчилик кенгаши раиси Аҳмаджон Исмоилов маҳалла тарихи ва бугуни ҳақида маълумотлар берди. Бундан ташқари барча нурунийлар ўз фаолиятлари давомида амалга ошираётган ишлари ҳақида гапириб ўтдилар.

Маҳаллаларда «Бир нуруний ўн ёшга масъул» тамойили асосида қилинаётган ишлар анча кўзга кўринарли даражада сезилгани айтилди. Бу борадаги ишларни янада кенгайтириш бўйича фикр алмашилди. Республика бош нурунийси томонидан Ёзёвон туманида олиб борилаётган ишлар ибрат қилиб кўрсатса, арзирли экани айтилди. Бу албатта қувонарли, шунинг билан бирга нурунийлар ва кенг жамоатчиликка масъулят ҳамдир.

ЁЗЁВОН ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ АХБОРОТ ХИЗМАТИ

2023-05-18 16:14:48